

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШАДМАНОВА СИДИҚА КУРБОНОВНА

**ЎТКИР МИОКАРД ИНФАРКТИ БОР БЕМОРЛАРДА ЎТКИР
ИШЕМИК ИНСУЛТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИК -
ФУНКЦИОНАЛ ПРЕДИКТОРЛАРИ**

14.00.13–Неврология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Шадманова Сидика Курбоновна

Ўтқир миокард инфаркти бор беморларда ўтқир ишемик инсулт
ривожланишининг клиник - функционал предикторлари 5

Шадманова Сидика Курбоновна

Клинико-функциональные предикторы развития острого ишемического
инсульта у больных с острым инфарктом миокарда 23

Shadmanova Sidika Kurbonovna

Clinical and functional predictors of the development of acute ischemic stroke in
patients with acute myocardial infarction 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 45

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШАДМАНОВА СИДИҚА КУРБОНОВА

**ЎТКИР МИОКАРД ИНФАРКТИ БОР БЕМОРЛАРДА ЎТКИР
ИШЕМИК ИНСУЛТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИК -
ФУНКЦИОНАЛ ПРЕДИКТОРЛАРИ**

14.00.13–Неврология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар самаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tib.2198 рақам билан атга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжиева Дилбар Таджиевна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Туруспекова Сауле Тлеубергеновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозоғистон Республикаси)

Джурабекова Азиза Тахировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «25» декабр соат 12:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 061 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «14» декабр куни тарқатилган.

(2021 йил «14» декабр даги РА 20 рақамли реестр баённомаси)



Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

С.С. Пўлатов

Илмий даражалар берувчи берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда миокард инфаркти фонида кечувчи бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши замонавий неврология амалиётининг энг мураккаб ва оғир асоратларидан бири ҳисобланиб, унинг оқибатида юзага келадиган беморлар ўлими бугунги кунда замонавий неврологиянинг ўрганилиши керак бўлган муҳим омилларидан бири бўлиб келмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотига кўра, «...агарда бу эпидемияга қарши муҳим чоралар кўрилмаган тақдирда 2030 йилга қадар дунё аҳолиси орасида инсулт касаллигидан ўлим кўрсаткичлари йилига 7,8 млн кишини ташкил қилади...»¹. Миокард инфаркти фонида кечувчи бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши учраши касалликнинг ўткир даврида 1,3% дан 12,8% ни ташкил қилади, маълум локализацияли ишемик инсултнинг ўзи юрак томонидан бўладиган асоратларга сабаб бўлиши мумкин.

Жаҳон миқёсида, касалликнинг ўткир даврида беморларни қиёсий ташхислаш ва клиникагача башорат қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш мақсадида, ишемик инсултнинг миокард инфаркти билан биргаликда кечишининг хавф омиллари ва клиник-функционал хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда. Миокард инфаркти ва инсулт комбинацияси ҳолатида ташхиснинг мураккаблиги кўпинча мия симптомларининг яққолроқ намоён булиши билан боғлиқ, бу ҳолда юрак ва мия томонидан бўладиган асоратларни олдини олишда муваффақият, замонавий ташхисот усулларида оқилона фойдаланган ҳолда хавф омилларини вақтида тўғри аниқлашга боғлиқ бўлади. Ишемик инсулт ва миокард инфаркти комбинацияси хавф омилларини ўрганиш жуда муҳим бўлиб, бу эса ўз навбатида кейинги тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси сифат жиҳатидан яхшиланди, касалликларни самарали даволаш бўйича мақсадли, кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилди, замонавий технологиялар жорий этилди, бу эса сезиларли ижобий натижаларга эришиш имконини берди. Миокард инфаркти билан биргаликда ишемик инсултни ташхислаш ва даволашда кенг кўламли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилди, натижада касалликнинг оқибатини баҳолаш учун муҳим бўлган ташхислаш мезонлари аниқланди. Ҳозирги вақтда «...2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, мамлакат аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишни, шу жумладан, кексалик даврида ишемик инсулт бўлганларга ёрдамни янада такомиллаштириш режалаштирилган...»².

¹WHO. World health statistics, 2013; WHO.Hearts: technical package for cardiovascular disease management in primary health care, 2018

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

Ушбу вазифаларда аҳолига неврологик касалликларни ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ишемик инсулт касалликларини камайтириш имконини беради.

Ушбу диссертация тадқиқотлари маълум даражада 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сонли ҳужжатда, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли « 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида», 2018 йил 30 августдаги ПФ-3925-сонли «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида», шунингдек, бу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технология ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилди.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Жаҳон олимларининг таъкидлашича, ишемик инсултдан кейин беморларнинг 2% дан 6% и биринчи 3 ойда юрак томонидан келиб чиқадиган сабаблар туфайли вафот этади (Чеснокова Л.Ю. ва ҳаммуал., 2019; Chen Z. et al., 2020). Сўнгги ўн йилликда тадқиқотчиларнинг диққатини икки соҳанинг бирлашувидаги муаммоларни ўрганиш жалб қилмоқда, бунга мисол юрак ва мия ҳолатининг соғлиқ ва касалликдаги муносабатларини ўрганадиган кардионеврология соҳасидир, хусусан, буни ишемик инсулт (ИИ) ва миокард инфаркти (МИ) каби ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар мисолида кўриш мумкин. Кўпгина аниқланган маълумотларга кўра, маълум бир локализацияга эга ишемик инсулт юрак асоратлари ривожланишига олиб келиши мумкин (Дусчанов Ш.Б., 2012; Фоякин А.В., Гераскина Л.А., Шандалин В.А., 2016; Муллабаева Г.У., 2018; Kitagawa K. et al., 2020).

Олимларнинг маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили 6 миллион одам инсултга учрайди. Инсулт муаммоси унинг учраш частотаси, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларининг юқори фоизи туфайли жуда кескин. Ишемик инсултнинг (ИИ) патогенетик гетерогенлик концепциясига кўра, юрак патологияси ўткир цереброваскуляр касалликларнинг ривожланиш сабаблари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди (Гудкова В.В., 2012; Гусев Е.И., Скворцова В.И., Стаховская Л.В., 2017; Чичкова М.А. ва ҳаммуал., 2016). Кўпгина тадқиқотларда юрак ва қон томирларни ўрганишнинг замонавий усулларидан фойдаланган ҳолда, беморларнинг 70%

дан кўпроғида юрак ритмидаги турли хил ўзгаришлари аниқланган, улар нафақат инсултнинг сабаби бўлиб хизмат қилади, балки унинг кечишига ҳам таъсир қилади. Миокард инфаркти ва инсулт комбинацияси ҳолатлари айниқса прогностик жиҳатдан хавфли бўлиб ҳисобланади (Дзизинский А.А. ва ҳаммуал., 2013; Vuono A, Gori T., 2019).

Мамлакатимиздаги олимларнинг фикрига кўра, МИ фонида инсултнинг учраши 1,3% дан 12,8% гача, кўпинча касалликнинг ўткир даврида, биринчи 2 ҳафтада кузатилади. Инсултдан кейинги ногиронлик Ўзбекистонда 83,8%ни ташкил қилади. Ўзбекистонда ҳар йили 60 мингдан ортиқ инсулт ҳолатлари қайд этилади, касалхоналарда ўлим кўрсаткичи 17,3%ни ташкил қилади (Асадуллаев М.М., Вахабова Н.М., 2017; Махкамова Н.У., 2019; Абдуллаева М.Б., 2020). 2017 йилда ўлим сабабларининг умумий тузилишида биринчи ўринни қон айланиш тизими касалликлари эгаллади, уларнинг асосий сабаблари юрак ишемик касаллиги, артериал гипертензия ва уларнинг асоратлари (миокард инфаркти, мия инсулти ва бошқалар) бўлиб ҳисобланади (Махсумов М. Д. ва ҳаммуал., 2015; Ҳайдарова Д.К., 2017; Ҳайдаров Н.К., 2019).

Ўзбекистонда БМҚАЎБ ва ўМИ ташхислаш ва даволашдаги ютуқларга қарамай, кўплаб масалалар тадқиқот доирасидан ташқарида қолиб кетмоқда, бу эса тўлиқ ечимни тақдим этишга имкон бермайди (Ўринов М.Б., 2018; Турсунов Х.М., 2020; Рахматова Д.Б., 2021). Инсулт ва инфаркт хуружининг турли босқичларида беморларни комплекс реабилитация қилиш масалалари етарлича ўрганилмаган, бирламчи тиббий ёрдам, шифохоналар, реанимация бўлимлари, санаторияларда реабилитация тадбирларининг усуллари, беморларни турли босқичларда соғайиш чоралари, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари ўрганилмаган ва ислоҳ қилинмаган. Ҳозирги вақтда касалхонагача бўлган ёрдам даражаси ва касалхонага ётқизиш даражаси ҳамма жойда, ҳатто йирик шаҳарларда ҳам қониқарли даражада эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03.2019.PhD.048 “Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патология ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш”(2017-2021йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ўткир миокард инфаркти бор беморларда ўткир ишемик инсулт ривожланишининг хавф омиллари ва клиник-функционал хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

биокимёвий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, ишемик инсултнинг миокард инфаркти билан биргаликда ривожланиши учун етакчи хавф омилларини аниқлаш;

ишемик инсултнинг клиник кўриниши ва биокимёвий ўзгаришларини миокард инфаркти билан биргаликда кечганда, уларда жинслар фарқини ҳамда инсултнинг патогенетик турини ҳисобга олган ҳолда дифференциаллаш;

миокард инфаркти фонида кечган ишемик инсулт билан оғриган беморларда миядаги ишемик ўчоқларни баҳолаш;

миокард инфаркти фонида ишемик инсулт билан касалланган беморларда ультратовуш текшируви маълумотларига кўра марказий ва мия гемодинамикасининг хусусиятларини баҳолаш;

миокард инфаркти билан биргаликда ишемик инсулт ривожланишининг юқори хавфли гуруҳини аниқлаш мезонларини асослаш ва ўткир даврда беморларни текшириш ва олиб боришда қиёсий ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалида миокард инфаркти билан биргаликда ривожланган ишемик инсултнинг ўткир даврида даволанган эркак ва аёл беморларни ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети клиник-неврологик, нейровизуал, лаборатор, ультратовуш текширув натижалари ташкил қилган.

Тадқиқотнинг усуллари.Тадқиқотда клиник-неврологик, лаборатор, ультратовуш, нейровизуал усул ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ишемик инсулт ва миокард инфарктининг биргаликда ривожланишига олиб келадиган энг муҳим хавф омиллари комбинацияси аниқланган;

ишемик инсулт ва миокард инфарктининг биргаликда ривожланганида қоринчалар экстрасистолияси, сурункали юрак етишмовчилиги, миокард инфарктдан кейинги кардиосклероз, бўлмачалар фибриляцияси, ҳамда интима-медиа комплексининг қалинлашуви, каротид ва умуртқа артериялари эгрилигининг прогностик аҳамияти исботланган;

бир вақтнинг ўзида ривожланадиган ишемик инсулт ва миокард инфаркти бўлган беморларда уйқу ва умуртқа артериялари деформациясининг юқори частотада учраши аниқланган;

ишемик инсулт ва миокард инфаркти бўлган беморлар бош миясида катта ўлчамли супратенториал ишемик ўчоқларнинг юқори частотаси аниқланган;

миокард инфаркти билан бирга ишемик инсулт ривожланишининг хавфи ҳисобга олинган ҳолда беморларни текширишда дифференциаллашган ёндашув асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларданиборат:

клиник, нейровизуал кўрсаткичларни қиёслаш асосида миокард инфаркти фонида ишемик инсулт ривожланишининг асосий хавф омиллари учун прогностик коэффицент аниқланган;

беморларни давомий динамик кузатиш асосида миокард инфаркти ва ишемик инсулт биргаликда кечишида эрта ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган;

мавжуд бўлган ташхислаш дастурлари асосида невролог ва кардиолог шифокорлар учун миокард инфаркти ва ишемик инсулт комбинацияси хавфи бор беморларда дифференциал ёндошув алгоритми таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган замонавий, тасдиқланган, бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор-инструментал ва статистик усуллар, етарли миқдордаги беморлар, олинган натижаларнинг назарий ва амалий ҳисоб-китобларга мувофиқлиги, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослаш, хулоса, олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишемик инсулт ва миокард инфаркти комбинацияси ривожланишида беморларнинг хавф гуруҳини аниқлашнинг прогностик мезонларини ишлаб чиқиш. Ишемик инсулт ва миокард инфаркти комбинацияси ривожланишининг патогенетик механизмлари асосида умумий қон таҳлилида унга хос бўлган нейтрофиллар ошиши, лейкоцитоз, лейкоформуланнинг чапга силжиши, эритроцитлар чўкиш тезлигининг ошиши, креатинфосфокиназа, лактатдегидрогеназа, аспартатаминотрансфера даражасининг ошиши билан тавсифланади. Ўзаро боғлиқ бўлган инструментал ва лаборатория тадқиқотларини ўтказиш миокард инфаркти билан биргаликда ишемик инсулт хавфини ҳисобга олган ҳолда дифференциал диагностика алгоритмини оптималлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, амалий соғлиқни сақлашда прогностик жадваллар ёрдамида ишемик инсулт ва миокард инфаркти комбинациясини ривожланиш хавфи юқори бўлган беморларни тақсимлаш орқали, бундай беморларга юрак мониторингини кучайтириш ва беморларнинг реанимация бўлимида узокроқ қолиши беморларнинг ҳаёт сифатини 15,2%га яхшилаб, ўлим даражасини 1,6 баробар камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўткир миокард инфаркти бор беморларда касалликнинг ўткир даврида ишемик инсулт ривожланишининг клиник-функционал предикторларини ўрганишдан олинган илмий натижалар асосида:

“Ўткир миокард инфаркти билан оғриган беморларда ўткир ишемик инсулт ривожланишини олдиндан аниқлаш усули” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги 12.10.2021 йилдаги 8н-р/911-сон маълумотномаси). Натижада ўткир миокард инфаркти бор беморларда касалликнинг ўткир даврида ишемик инсулт ривожланишининг клиник-функционал предикторларини ўрганишдан ташқари, дифференциал

диагностика учун клиник ва инструментал текширув усулларининг натижаларидан фойдаланиш имконини берган;

“Ўткир миокард инфаркти фонида ишемик инсултни келтириб чиқарадиган хавф омилларини аниқлаш усули” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 12.10.2021 йилдаги 8н-р/881-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаси аниқликни оширишга, инфаркт ва инсултнинг бирламчи тизимда ташхислаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

Тадқиқот натижалари Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси, “Кармен Плюс” хусусий клиникаси, “Мехригиё-шифо” хусусий клиникаси амалиётга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 октябрдаги 8н-з/389-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши миокард инфаркти ва ишемик инсулти комбинациясини олдиндан аниқлаш, касаллик асоратларини ва ногиронликни камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, текширув объекти ва предметлари аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётга жорий этилганлиги, апробация натижаси, нашр қилинган мақола, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Миокард инфаркти билан биргаликда ишемик инсултнинг хавф омиллари, клиник кўриниши ва диагностикаси”** юрак-қон томир касалликлари ривожланишининг хавф

омиллари, инсулт ва миокард инфаркти комбинациясидаги синдромологиясининг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган. Миокард инфаркти билан биргаликда кечувчи ишемик инсултни ташхислашнинг замонавий инструментал ва лаборатор диагностика ва даволаш усулларига бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилган. Сўнгги 10 йиллик адабиётларни кўриб чиқиш, мавжуд усулларнинг кўпгина афзалликлари ва камчиликларини кўрсатди, шунингдек, ҳал қилинмаган ёки ўрганилаётган муаммоларнинг аниқлашга ёрдам берган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Миокард инфаркти фонида ривожланган ишемик инсултли беморларни текшириш усуллари»** клиник материаллар ва усулларнинг (ултратовуш, нейровизуализацион) тадқиқотининг умумий хусусиятларига, шунингдек натижаларни статистик қайта ишлаш усулларига бағишланган асосий масалалар кўриб чиқилган. Тадқиқот 142 беморни клиник, неврологик, инструментал ва лаборатория таҳлилларига асосланган бўлиб, улардан 102 бемор ИИ ва МИ билан касалланган АГ, ўртача ёши $72,3 \pm 5,66$ йил бўлган ва НГ эса 40 та ИИ билан касалланган, МИ бўлмаган беморларни ўз ичига олди, беморларнинг ўртача ёши $70,8 \pm 6,42$ ёшни ташкил этган.

НГ га киритиш мезонлари: 1) миокард инфарктисиз ИИ; 2) ИИнинг гуруҳлари - АГ диагностик сериясига мувофиқ; 3) 60 ёшдан ошган беморларнинг ёши - АГ бўлган беморларнинг ўртача ёшига тўғри келган.

АГнинг барча беморларига МИ ташхиси қўйилган, аксарият ҳолларда, бу ИИ билан бир вақтда содир бўлган, лекин шу билан бирга МИ ва ИИни ташхислаш кетма-кетлиги ҳар хил бўлган: 43 беморда МИ инсулт билан бир вақтда, қабул қилинганида аниқланган (42,16%), 18 нафар беморда (17,64%) инсулт ташхиси миокард инфарктининг эртаси куни ёки 2-3 кундан кейин ташхисланган, 41 ҳолатда (40,20%) миокард инфаркти инсултнинг 3-14 кунда аниқланган. Шунга кўра, биз учта кичик гуруҳни аниқладик: кардиоцеребрал (КЦ) (МИ ИИдан олдин бўлган), цереброкардиал (ЦК) (ИИ МИдан олдин бўлган) ва қабул қилишда ташхис қўйилган (ҚП) бир вақтнинг ўзида ИИ ва МИ ривожланиши гуруҳи. Беморларнинг кўпчилигида Q-тишли МИ бўлган, 78 ҳолатда (76,47%). Q-тишсиз МИ 24 беморда (23,53%) аниқланган. 45 бемор (44,12%) учун бу такрорий МИ эди. Ўлим ҳолати 74 та ҳолатда (72,55%) кузатилган бўлиб, шулардан 53 беморда Q-тишли МИ (71,62%), қолган 21-беморда Q-тишсиз МИ (28,38%) бўлган.

Кенг қамровли клиник текширувда неврологик, лаборатор, ультратовуш ва нейровизуализацион усуллар, шунингдек, шикоятлар, анамнестик маълумотлар, касалликнинг субъектив ва объектив белгилари, параклиник тадқиқотлар маълумотлари батафсил тақдим этилган форматланган ҳужжатлар ишлатилган.

Беморларни ташхислаш стандартига мувофиқ инсулт ва МИ ташхисини қўйиш учун қуйидаги усуллар қўлланилган: умумий ва биокимёвий қон текшируви (УҚТ), аспартатаминотрансфераза (АСТ),

аланинаминотрансфераза (АЛТ), лактатдегидрогеназа (ЛДГ), креатинфосфокиназа (КФК) фаоллигини аниқлаш. Қондаги глюкоза, креатинин, холестерин ва унинг фракциялари, мочевино микдорини аниқлаш. Қон ивиш тизими кўрсаткичлари қон ивиш вақти, МНО, ПТИ, АҚПВни ўрганиш билан текширилган.

Шунингдек, беморларга брахиоцефал артериялар дуплексли сканерлаш ёрдамида экстракраниал томирлар ултратовуш текшируви, ЭКГ ва ЭХОКГ текширувлари ўтказилган.

Статистик таҳлил "Microsoft Office 2016" лицензияли дастурлар тўплами ёрдамида амалга оширилган. Натижаларнинг статистик таҳлили вариацион статистикасининг умумий қабул қилинган усулларига мувофиқ амалга оширилган.


Диссертациянинг учинчи бобида **«Миокард инфаркти билан биргаликда кечувчи ишемик инсултда беморлардаги хавф омиллари»** ҳар бир юрак –қон томир касалликлари хавф омилларининг прогностик аҳамияти ва уларнинг комбинацияси С. Кулбак таҳлили ёрдамида ўрганилган. ИИ ва МИ комбинацияси учун аҳамиятга эга хавф омиллар прогностик коэффициентлари СЮЕ (ПК - +5,44; Ік - 2,82), ИККС (ПК - +4,91; Ік - 0,62), ҚЭ (ПК - +3,31, Ік - 0,93), ҲА - (ПК - +2,92; Ік - 0,53) ни ташкил қилди, жами улар +16,58 эди, бу +13 прогностик чегарасидан ошган. Бошқа омиллар, масалан, ГК (ПК - +0.26; Ік - 0.21), ЧҚГ (ПК - +0.92, Ік - 0.21), дислипидемия (ПК - +0.63, Ік - 0.05) пастроқ коэффициентга эга эди, бу эса уларни фақат бошқа омиллар билан биргаликда хавф омиллари сифатида кўриб чиқиш имконини берган. Жинсий фарқларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил кўрсатганидек, ИИ ва МИ комбинациясининг прогностик муҳим омиллари аёллар учун биринчи навбатда ҚЭ (ПК - +9.22; Ік - 2.92), ИККС (ПК - +7.34; Ік - 2, 26), СЮЕ (ПК - +5.24; Ік - 2.52), ҲА (ПК - +2.61; Ік - 0.72), энг юқори Ік - 2.92 СЮЕга тегишли бўлган. Эркакларда ИИ ва МИ комбинациясини ривожланишининг прогностик муҳим омиллари: ҚЭ (ПК - +7.13; Ік - 1.32), СЮЕ (ПК - +5.92; Ік - 3.83), ИККС (ПК - +4, 11; Ік - 1.21), ҲА (ПК - + 2.33; Ік - 0.52). Энг юқори Ік СЮЕда учради (1 -расм).

Шундай қилиб, жинс ва ёшга боғлиқ хавф омилларини ўрганиш шуни кўрсатдики, инсулт ва МИ комбинацияси 70 ёшдан ошган аёлларда кўпроқ учрайди. Эркаклар бу қўшма патологиядан камроқ азият чекишади, уларнинг ўртача ёши аёлларнинг ўртача ёшидан 10 йилга кам бўлиб ҳисобланади.

ИИ ва МИ комбинациясини келиб чиқиши учун битта беморда ирсий мойиллик, ГК ва дислипидемиядан ташқари, СЮЕ, ИККС, ҚЭ ва ҲА каби хавф омилларининг йиғиндиси муҳим аҳамиятга эга.

Инсулт ва МИ комбинацияси учун прогностик жиҳатдан муҳим хавф омилларида жинсий тафовутлар аниқланди: аёллар учун 70 ёшдан ошганлик, ҚЭ, ИККС, СЮЕ ва ҲА, 17 йилдан ошган гипертония касаллиги давомийлиги, дислипидемия; эркаклар учун - 60 ёшдан ошганлик, СЮЕ, ҚЭ,

ИККС, ҲА, ЧҚГ, чекиш, гипертония касаллиги давомийлиги 7 йилдан ортиқлиги ташкил қилган.



1- расм. ИИ и МИ комбинациясида аҳамиятга эга хавф омилларининг ШКи жинсга боғлиқ ҳолда кўриниши

Анамнезида миокард инфаркти бўлганлик, ҚЭ ва СЮЕ – эркаклар ва аёлларда бир хил равишда миокард инфаркти ва ишемик инсулт комбинацияси ривожланиши учун хавф омиллари ҳисобланган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **“Миокард инфаркти билан биргаликда ишемик инсултнинг клиник кўриниши”** асосий гуруҳ (АГ) ва назорат гуруҳи (НГ) даги беморларда инсулт ёки миокард инфарктининг субъектив ва объектив симптомларни жинсга боғлиқ фарқлари ва касалликнинг келиб чиқиш кетма-кетлигига асосан ўрганилган. Иккала гуруҳдаги беморларда ўчоқли симптомлар асосан яримшарлар даражасида бўлиб, пўстлоқ ва пўстлоқ ости соҳаларнинг шикастланишидан далолат беради. АГ беморларида юз мушакларининг марказий фалажи 90,20% ҳолатда учради. Иккинчи ўринда - анизорефлексия (82,35%), учинчи ўринда – патологик пирамидал рефлекслар (71,57%), уларнинг иккаласи ҳам марказий гемипарез ёки гемиплегиянинг намоён бўлиши эди.

Ўчоқли неврологик симптомларни жинс жиҳатидан таққослаганда, АГдаги аёлларда, эркакларга нисбатан статистик жиҳатдан ишонарли даражада куйидаги белгилар кўпроқ учради: кўрув фалажи, тил девиацияси, афазия, гемиплегия ва гемианестезия, бу инсултнинг оғирлиги ва ўчоқ ўлчамларининг катталигидан далолат беради. Гемиплегия ва кўрув фалажи каби оғир моторли бузилишларнинг умумий частотасини ҳисобга олган ҳолда, АГ даги аёлларда уларнинг статистик жиҳатдан устунлиги аниқланди (аёлларда 93.10% , эркакларда 54.55%, $p < 0.001$).

АГ даги беморларда дисфагия (9,80%), нистагм (6,86%), анизокория (5,88%), диплопия (2,94%), гемианопсия (1,96%) каби ВБТ

шикастланишининг белгилари сезиларли даражада кам учради, НГида ҳам ўхшаш кўрсаткичлар олинди.

АГ ва НГ даги беморларда касалликнинг субъектив белгилари ўрганилганда қуйидаги маълумотлар олинди. АГдаги беморлар қабул пайтида кўпроқ қўл ва оёқда қувватсизликка (52,94%), асосан эркакларда, иккинчи ўриндаги шикоятга нутқ бузилиши ҳолатлари учради. 36 бемор (35,29%) аҳволи оғирлиги сабабли, афазия, анозогнозия ҳолатлари туфайли шикоят билдира олмайди. НГда асосий шикоятлар қўл ва оёқда қувватсизликни (72,5%), нутқ бузилишини (52,5%) ташкил қилди. Бу гуруҳда шикоят билдира олмаган беморлар сони 5 нафарни (12,5%) ташкил қилди (1-жадвал).

1-жадвал

АГ ва НГдаги беморлар шикоятлари

Шикоятлар	АГ						НГ					
	Аёллар (n = 58)		Эркаклар (n = 44)		Жами (n = 102)		Аёллар (n = 24)		Эркалар (n = 16)		Жами (n = 40)	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Бош оғриғи	10	17,2	1	2,3	11	10,8	10	41,7	6	37,5	17*	42,5
Умумий ҳолсизлик	9	20,5	15	25,9	23*	22,6	2	8,3	–	–	2	5,0
Кўкрак қафасидаги оғриқ	7	12,1	6	13,6	13*	12,8	–	–	–	–	–	–
Оёқ ва қўлларда қувватсизлик	27	46,6	27	61,4	54	52,9	16	66,7	13	81,3	29	72,5
Сезги бузилишлари	8	13,8	6	13,6	14	13,7	4	16,7	4	25,0	8	20,0
Юз қийшайиши	10	17,2	21	47,7	31	30,4	5	20,8	6	37,5	11	27,5
Нутқ бузилишлари	22	37,9	21	47,7	43	42,2	13	54,2	8	50,0	21	52,5
Бош айланиши	3	5,2	6	13,6	9	8,8	4	16,7	3	18,8	7	17,5
Мувозанат бузилишлари	3	5,2	6	13,6	9	8,8	4	16,7	3	18,8	7	17,5
Юришда чайқалиш	2	3,5	4	9,1	6	5,9	5	20,8	6	37,5	11	27,5
Кўнгил айниш қусиш	3	5,2	2	4,6	5	4,9	–	–	–	–	–	–
Аҳволи ёмонлиги сабабли шикоят билдира олмайди	25*	43,1	11	25,0	36*	35,3	3	12,5	2	12,5	5	12,5

Изоҳ: Статистик ишонарли фарқ: * – $p < 0,05$

Беморлар орасида КЭИ билан оғриган беморлар устунлик қилди (72 бемор (70,6%) АГда ва 26 бемор (65,00%) ТГда). АГда иккинчи ўринда учраган инсулт тури – ГДИ бўлиб, 12 беморда (11,7%) учради, бу гуруҳга марказий гемодинамик параметрларининг пасайиши белгилари (паст қон босими, брадикардия) бўлган беморлар кирган: 8 нафар беморга (7,8%) АТ инсулт ташхиси қўйилган, ЛИ учинчи ўринда - 10 та беморда (9,80%) аниқланди. НГ даги беморларда ИИ нинг кичик гуруҳлари учраши АГдаги кўрсаткичларга ўхшаш бўлди.

КЭИ гуруҳида ИИ + МИ комбинацияси келиб чиқиш хавф омиллари ўрганилганда, АГда СЮЕ ($p < 0.001$) ва ИККС ($p < 0.01$) кўпроқ учраши аниқланди. Бошқа кўрсаткичлар (қандли диабет, дислипидемия, семириш, чекиш, ҲА, ҚЭ) бўйича КЭИда НГга нисбатан сезиларли фарқ аниқланмаган.

АГда ИИ чап яримшарда 48 беморда (47,06%) учраган, шулардан 45 беморда (44,12%) – ЎМА ҳавзасида ва 3 ҳолатда (2,94%) ОМА ҳавзасида кузатилган ва 45 беморларда (44,12%) ўнг яримшарда учраган, шулардан 43 беморда (42,16%) – ЎМА ҳавзасида ва 2 беморда (1,96%) – ОМА ҳавзасида кузатилган, 9 беморда (8,82%) ВБХда инсулт содир бўлган. Шундай қилиб, АГ даги беморларда КЭИ локализациясининг статистик ишонарли устунлиги аниқланмаган. НГдаги беморларда ҳам КЭИ латерализацияси аниқланмаган 19 беморда (47,50%)- чап яримшарда ва 18 беморда (45,00%) – ўнг яримшарда ЎМА ҳавзасида инсулт локализацияси, 3 беморда (7,50%) ВБХда инсулт бўлган. Шундай қилиб, КЭИ АГ ва НГ даги беморларда ИИ локализацияси ва латерализацияси бўйича ўхшаш кўрсаткичлар олинган.

КЭИ инсултли АГдаги беморларнинг ярмидан кўпида гемиплегия, беморларнинг учдан бирида кўрув фалажи кузатилган.

АГдаги беморларнинг оғирроқ ҳолати ҳақида NIHSS, ГКШ, РШ, РМШ кўрсаткичлари кўрсатади (2-жадвал).

2-жадвал

АГ ва НГда КЭИ ли беморларда шкалалар кўрсаткичлари

Шкала	АГ			НГ		
	Аёллар (n = 39)	Эркаклар (n = 33)	Жами (n = 72)	Аёллар (n = 16)	Эркаклар (n = 10)	Жами (n = 26)
NIHSS	18,4±5,32	15,6±6,17	17,1±5,78**	7,35±2,19	8,3±2,56	7,9±2,55
РШ	4,6±0,54	3,8±0,73	4,2±0,65**	3,4±0,78	3,29±0,29	3,3±0,57
РМШ	1,1±0,82	2,5±2,21	1,8±1,53 **	3,5±2,46	3,3±2,12	3,3±2,18
ГКШ	12,5±3,21	13,2±2,46	13,1±2,16*	14,6±0,86	14,5±0,68	14,6±0,65

Изоҳ: Статистик ишонарли фарқ: * – $p < 0,05$, ** – $p < 0,01$

АГ да КЭИ бўлган беморларнинг 9 тасида ИИ нинг геморрагик трансформацияси юзага келди (12,50%) (5 эркак ва 1 аёлда), 3 нафарда ўлим ҳолатлари қайд қилинди.

АГда ўпка шиши 10 нафар беморда (13,89%), ЎАТЭ - 4 нафар беморда (5,56%) аниқланди. АГда КЭИ бўлган беморларнинг деярли ярмида пневмония учради, 34 нафар беморда (47,22%). Ўлим ҳолатлари 58 нафар беморда (80,56%) ўртача $7,8 \pm 5,25$ кундан кейин, 25 беморда (34,72%) – касалхонага ётқизилган куни ёки 2-3 кунда содир бўлган. Ўлим сабаби кўпинча ИИ ва МИ комбинацияси эди.

ТГда ўлим ҳолатлари бўлмади, 6 нафар беморда пневмония кўринишидаги асоратлар ривожланди (23,08%).

АГдаги беморларда ГДИ билан оғриган беморларда марказий гемодинамиканинг яққол бузилишлари аниқланди, 12 нафар беморда (11,67%), 5аёл (8,62%) ва 7 эркак (15,91%), ўртача ёши $68,3 \pm 6,9$ йил. НГда ИИнинг бу тури 6 беморда учради (5 аёл ва 1 эркак), уларнинг ёши таққосланганда - $70,8 \pm 5,17$ ёшни ташкил қилган. Шундай қилиб, иккала гуруҳда ҳам аёллар устунлик қилган. Биз АГ ва НГ ўртасида статистик жиҳатдан муҳим фарқларни топмадик. АТ ва ЛИ билан оғриган беморларнинг клиник кўриниши ТГдаги беморлар билан таққослаб ўрганилган. Бироқ, АГдаги беморларда ИИнинг ГДИ ва ЛИ клиник кўриниши солиштирилганда, ЛИ энгилроқ ўтишини кўрсатувчи ишончли маълумотлар олинган. Бу ўчоқли симптомларни ўрганишда тасдиқланди (3 - жадвал). 3–жадвал кўрсаткичлари шуни кўрсатадики, ТГда ЛИ гуруҳига нисбатан ГДИ бор беморларда гемиплегия каби жиддий ҳаракат бузилишлари, чуқур гемипарез ва кўрув фалажи учраган ($p < 0.05$).

Шкалалар натижаларига асосан АГда ГДИли беморлар НГдаги ЛИли беморларда нисбатан оғир инсулт кечган, NIHSS шкаласи бўйича баландроқ балл кўрсатилган ($p < 0,05$), АГдаги ЛИ бор беморлар ва НГдаги беморларга нисбатан (3 -жадвал).

ГДИли 8 беморда пневмония ҳолатлари учради (66,67%). Ўлим ҳолати 7 беморда (58,33%) 1–9 кун ичида ва 1 беморда (8,33%)– 19 кундан кейин учради.

ЛИ гуруҳларида асоратлар бўлмади. ТГдаги беморларга ўхшаб ЛИ билан оғриган барча беморлар ва АГдаги ГДИли 4 бемор стационардан аҳволи яхшиланиб чиқарилди ва кейинги реабилитация учун йўналтирилди.

3-жадвал

АГ ва ТГ да ГДИ ва ЛИ ли беморларда ўчоқли белгилар

	АГ				НГ			
	ГДИ (n = 12)		ЛИ (n = 10)		ГДИ (n = 6)		ЛИ (n = 5)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Кўрув фалажи	5	41,67	-	-	1	16,67	-	-
БЛБ асимметрияси	12*	100,0	10	100	3	33,33	1	20,0
Тил девиацияси	7	58,33	7	70,00	3	60,0	1	20,0
Енгил гемипарез	1	8,33	6	60,00	2	40,0	3	60,0
Ўрта гемипарез	4	33,33	3	30,00	2	40,0	2	40,0
Чуқур гемипарез ва гемиплегия	8*	66,67	1	10,00	1	2,0	-	-
Анизорефлексия	9	75,00	7	70,00	4	80,0	3	60,0
Патологик пирамид рефлекслар	10*	83,33	3	30,00	2	40,0	2	40,0
Гемиянестезия	5	41,67	2	20,00	1	20,0	-	-
Дизартрия	6	50,00	5	50,00	2	40,0	1	20,0
Афазия	2	16,67	-	-	3	60,0	-	-

Изоҳ: статистик ишонarli фарқ: * – $p < 0,05$.

АГ ва НГ беморларида шкалалар асосида баҳолаш кўрсаткичлари қуйидагича бўлди (4-жадвал).

4-жадвал

АГ ва ТГ беморларида шкала кўрсаткичлари

Шкала	АГ		НГ	
	ГДИ (n = 12)	ЛИ (n = 10)	ГДИ (n = 6)	ЛИ (n = 5)
NIHSS	17,8 ± 6,38*(2)	8,7 ± 5,07	7,1 ± 3,28*(1)	5,4 ± 2,46
РШ	4,6 ± 0,87*(2)	3,3 ± 0,95	3,2 ± 0,51*(1)	3,0 ± 0,68
РМШ	2,23 ± 0,95**(3)	5,2 ± 3,95	5,2 ± 1,29	5,0 ± 3,48
ГКШ	9,5 ± 2,39**(2)	14,5 ± 1,48	15,1 ± 0,0**(1)	15,0 ± 0,0

Изоҳ: Статистик ишонarli фарқ: * – $p < 0,05$, ** – $p < 0,01$, **;

қавс ичида таққосланаётган устун кўрсатилган

Шундай қилиб, миокард инфаркти билан биргаликда инсултнинг клиник кўринишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ГДИ ва ЛИ билан

оғриган беморларда, ГДИ эс-хуш бузилиши билан бошланиб, сопор, комага қадар ривожланган, яққол ўчоқли симптоматика, психомотор кўзғалиш билан намоён бўлган, пневмониянинг тез ривожланиши ва беморларнинг учдан икки қисмида ўлим ҳолатлари билан тугаган. МИ билан биргаликда ЛИ ҳам МИ бўлмаганидан кўра оғирроқ кечди, лекин бу беморларда ўлим ҳолатлари кузатилмаган.

Диссертациянинг бешинчи бобида **“Миокард инфаркти билан биргаликда ишемик инсултнинг диагностик инструментал ва лаборатория тадқиқотлари”** олиб борилган инструментал ва лаборатор текшириш маълумотларини қиёсий ўрганишга бағишланган.

Касалхонага ётқизилган беморлардан олинган УҚТ натижалари АГ ва НГда қуйидаги кўрсаткичлар бўйича яққол фарқни кўрсатган ЭЧТ ($p < 0.01$), таёқчали нейтрофиллар мавжудлиги ($p < 0.01$), лейкоцитлар сони ($p < 0,05$).

АГда Кребс индекси (нейтрофиллар сонининг лимфоцитлар сонига нисбати) $8,6 \pm 7,75$ ни ташкил қилиб, АГ беморларидан 65 нафар беморда 5 дан юқори кўрсаткичларга етган (63,73%). Таққослаш гуруҳида Кребс индекси $5,9 \pm 4,5$ ни ташкил этган, бу АГга қараганда паст, НГ беморларидан 16 нафар беморда 5дан юқори кўрсаткичлар топилган (40,00%), бу АГга қараганда анча кам учраган ($p < 0,02$). Эозинофиллар сониди фарқ йўқ эди.

Қондаги лейкоцитар формулада ГДИ ли беморларда яққол ўзгаришлар кузатилган; ЛИ кичик гуруҳга нисбатан лейкоцитлар сонининг статистик жиҳатдан муҳим фарқлари аниқланган ($p < 0.01$). ЭЧТ ГДИ ли беморларда ҳам юқори эди; ушбу кичик гуруҳ беморларида лейкоцитар формуланинг чапга силжишини кўрсатувчи энг кўп сонли нейтрофиллар аниқланган ($p < 0.05$). Қондаги яллиғланишли ўзгаришлар МИ ва пневмониянинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, бу гуруҳдаги беморларнинг 66,67 фоизда ташхис қўйилган.

АГ ва ТГда биокимёвий қон текшируви кўп параметрлар ўртасида фарқ аниқланмаган. Шундай қилиб, ҳар икки гуруҳдаги беморларда гипергликемия аниқланган, ҳар икки гуруҳдаги аёлларда глюкоза даражаси айниқса юқори бўлган. Бу таҳлил барча беморларда қабул қилинган кунни ўтказилган, яъни инсултнинг ўткир даврида.

АГ беморларида КФК ва ЛДГ даражаси кескин ошганлиги кўринди, бу тўқима некрозининг ўзига хос бўлмаган реакциясини кўрсатган, бу нафақат МИда, балки оғир инсултда ҳам бўлиши мумкин. АГ да бўлган беморларда АСТ даражасининг ошиши МИ учун патогномоникдир. АГ беморларда қондаги мочевиначининг юқори даражаси марказий гемодинамиканинг бузилиши ва буйрак тўқимасининг гипероперфузияси натижасида унинг буйраклардаги фильтрациясининг пасайишини кўрсатган.

Гемостазни ўрганиш натижаларини таққослаганда, кўплаб параметрлар бўйича гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқлар аниқланмади. Иккала гуруҳда ҳам қон ивишининг фаоллашишига хос бўлган юқори эрувчан фибрин – мономер комплекслар (РФМК, норма - 4 мг / 100 млгача) аниқланган. Бу

томир ичи тромб ҳосил бўлишининг юқори хавфини кўрсатади. Шу билан бирга, АГ ва НГ беморларда тромбин вақти ва АГда қон ивиш вақти бир оз ошган ($p < 0,05$). АГ бўлган аёлларда фибриноген даражаси бир оз ошган, бу қон ивиш тизимида ген мутациясига хос ўзгариш бўлиши мумкин. АГда бўлган 10 нафар аёлда (17,24%) фибриноген даражаси 5,0 г / лдан юқори бўлган.

Ўтказилган УТДС АГ ва НГда беморларнинг қон томир ривожланиши кўринишлардаги фарқни кўрсатди. Аввало, АГ беморларида УУА да (38,24%), ИУА да (38,24%) ва УАда (44,12%) эгрилик даражасини ва интимамедиа комплекси (ИМК) қалинлашиши $1,3 \pm 0,19$ мм ни кўрсатган, АГ беморларда УАнинг кичик диаметри ва гипоплазияси учраган. АГ беморларида ИУА томирларида қон оқими секинлашиши аниқланган.

АГ ва ТГ беморларида ЭхоКГ текшируви таҳлиллари отилиш фракцияси (ОФ) да сезиларли фарқ аниқланган: АГда $51,7 \pm 12,7$ ва НГдаги беморларда $63,29 \pm 11,3$ ни ташкил қилган ($p < 0,01$). Бошқа параметрлар бўйича сезиларли фарқлар топилмаган.

Бундан ташқари, ушбу текширув АГ беморларида миокард инфаркти белгиси сифатида миокард гипо- ва акинезия зоналарини, 27 нафар беморда аортал клапан етишмовчилигини (26,47%), 47 беморда аортал клапан тавақаларининг фиброзини (46,08%), митрал клапан етишмовчилиги 44 да (43,14%) беморда, барча бўшлиқларнинг кенгайиши 21 беморда (20,59%), ЧҚ аневризмаси 14 нафар (13,73%) беморда аниқланган.

НГ да катта ўчоқли беморлар анча кам эди (КТ натижаларига кўра) – 6 беморда (15,00%) ($p < 0,05$), бу ўчоқларнинг катталиги АГга қараганда кичикроқ эди $28,1 \pm 10,2$ мм; $77,3 \pm 21,2$ мм ва $47,1 \pm 16,3$ мм мос равишда ($p < 0,05$).

АГда 21 нафар беморда (20,59%) катта ўчоқлар топилган, улардан 12 нафарида улар ўнг ярим шарда, 9 нафарида чап ярим шарда жойлашган. Чакка-тепа ва чакка-пешана локализация 9 ҳолатда аниқланган (42,48%), пешана-тепа локализация 7 нафар беморда (33,33%), энса-тепа ва энса-чакка-6 нафар беморда (28,57%) аниқланган. Ўчоқнинг ўртача катталиги $38,1 \pm 19,07$; $33,1 \pm 13$ ва $24,7 \pm 5,03$ мм мос равишда, бу катта ўчоқли кичик гуруҳга қараганда анча паст ($p < 0,05$).

"ИИ + МИ" комбинациясининг шахсий прогноз ривожланиш хавфини аниқлаш учун биз эркаклар ва аёллар учун алоҳида прогностик жадваллар ишлаб чиқдик, улар АГда текширилган беморларда аниқланган хавф омилларининг шахсий маълумотларини умумлаштиради (5 ва 6 -жадваллар).

Тасдиқланган стратифицирланган хавф омилларидан ташқари, биз ИИ ва МИ нинг бир вақтда ривожланиши учун муҳим бўлган қўшимча омиллар аниқланган: каротид ва умуртқа артерияларнинг эгриликлари, умуртқа артерияларнинг кичик диаметри ва гипоплазияси ва ИМК қалинлиги $\geq 1,3$ мм

5-жадвал

Эркакларда «ИИ + МИ» комбинацияси хавфи йиғиндиси

Омиллар	ГК <7 йил ПК + 0,8	ГК >7 йил ПК + 3,3	ҲА ПК + 2,3	ИККС ПК + 4,1	СЮЕ ПК + 5,9	ҚЭ ПК + 7,1
ГК <7 йил	-	-	+3,2	+5,1	+6,4	+8,1
ГК > 7 йил	-	-	56,1	+6,9	+8,9	+10,1
ҲА	+3,2	+5,4	-	+5,9	+7,8	+8,9
ИККС	+5,1	+6,9	+6,3	-	+9,9	+10,9
СЮЕ	+7,1	+8,9	+7,8	+9,8	-	+12,9
ҚЭ	+8,1	+10,2	+9,5	+10,9	+12,9	-
ҲА + ИККС	+6,9	+10,1	-	-	+11,9	+13,4
ҲА + СЮЕ	+8,9	+11,4	-	+11,9	-	+14,8
ҲА + ҚЭ	+9,8	+13,1	-	+13,4	+14,9	-
ИККС+С ЮЕ	+11,2	+12,9	+11,8	-	-	+16,9
ИККС + ҚЭ	+11,9	+14,3	+13,2	-	+16,9	-
СЮЕ + ҚЭ	+14,1	+15,8	+14,9	+16,9	-	-

6-жадвал

Аёлларда «ИИ + МИ» комбинацияси хавфи йиғиндиси

Омиллар	ГК <17 йил ПК + 0,7	ГК >17й ил ПК + 4,1	ҲА ПК + 2,6	СЮЕ ПК + 5,2	ИККС ПК + 7,3	ҚЭ ПК + 9,2
ГК < 17 йил	-	-	+2,9	+6,1	+7,9	+10,1
ГК > 17 йил	-	-	+5,9	+8,9	+11,5	+13,8
ҲА	+2,9	+7,1	-	+8,1	+10,1	+12,1
СЮЕ	+6,2	+9,1	+5,9	-	+12,7	+14,5
ИККС	+7,9	+10,9	+10,3	+11,9	-	+15,8
ҚЭ	+10,1	+13,7	+12,1	+14,5	+15,6	-
ҲА +СЮЕ	+9,1	+12,1	-	-	+14,8	+16,5
ҲА +ИККС	+11,5	+13,9	-	+15,2	-	+18,9
ҲА + ҚЭ	+11,8	+16,1	-	+16,9	+18,2	-
ИККС+СЮ Е	+12,9	+17,2	+14,9	-	-	+19,5
СЮЕ + ҚЭ	+14,9	+17,9	+16,8	-	+22,1	-
ИККС + ҚЭ	+16,9	+21,2	+20,7	+22,1	-	-

Биз олган маълумотлар, касалхонага ётқизилиш пайтида, шунингдек поликлиникада ҳам “ИИ + МИ” комбинациясининг бирламчи ва иккиламчи профилактикаси бўйича чора -тадбирларни ишлаб чиқиш учун хавфларни табақалаштириш учун ишлатилиши мумкин.

“ИИ + МИ” комбинациясини келиб чиқиш хавфининг юқори бўлиши ҳақидаги хулоса прогностик чегарага +13 ва ундан юқори етганда ўрнатилади. Прогностик коэффициент миқдори +6,5 дан кам бўлиши , бу комбинацияни ривожланиш хавфи пастлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, миокард инфаркти билан биргаликда кечувчи инсултнинг клиник кўринишини хавф омиллари ва лаборатория ва инструментал тадқиқотлар маълумотларини ўрганиш асосида кўриб чиқиш, умумий этиопатогенетик асосга эга бўлган бу икки касаллик ўртасида яқин алоқани кўрсатди. Бир беморда бир пайтда иккита бундай жиддий касалликнинг ривожланиши - бу инсулт ва МИнинг клиник кўринишларининг оддий кўшилиши эмас, балки ўзаро асоратланиш натижасида умумий клиник кўриниши юзага келади, бу нафақат неврологик симптомларнинг оғирлиги билан, балки умумий аҳволнинг оғирлиги ва ўлим даражасининг жуда юқорилиги билан намоён бўлади. Клиник кўриниш, хавф омиллари, кўшимча текширувлар маълумотлари мутахассисларни, ҳам кардиолог, ҳам неврологларни ушбу муаммони чуқур ўрганишга йўналтиради, бу эса келажакда ташхислаш, даволаш, реабилитация чоралари самарадорлигини ошириш имконини берган.

ХУЛОСА

1. Ишемик инсулт, айниқса кардиоэмболик тури ва миокард инфаркти комбинацияси билан кечишида гиперферментемиянинг яққол намоён бўлиши (креатинфосфокиназа 87,1% га, аспартатаминотрансфераза 32%га , лактатдегидрогиназа 62,5% га), бу тўқима некрозининг ўзига хос бўлмаган реакцияларини акс эттиради. Яллиғланиш жараёнининг белгилари нейтрофилли лейкоцитоз ($11,1 \pm 2,6$ ва $8,7 \pm 2,9$; $P < 0,05$), лейкоцитар формуланинг чапга силжиси, эритроцитлар чўкиш тезлигининг ошиши ($18,7 \pm 13,7$ ва $14,8 \pm 10,8$ мм/с; $P < 0,05$) ва гиперферментиянинг эрта пайдо бўлиши бу ишемик инсулт ва миокард инфаркти биргаликда кечишининг етакчи хавф омиллари ҳисобланади.

2. Ишемик инсултнинг миокард инфаркти билан биргаликдаги кечиши умум мия ва ўчоқли неврологик белгиларнинг яққолроқ намоён бўлиши билан характерланди: 71 нафар (50%) беморда эс-хуш бузилиши, гемиплегия, афазия ҳолатлари; 47 нафар (33%) беморда кўрув фалажи, анозогнозия; 17 нафар (12,5%) беморда психомотор кўзғалиш кузатилди. Ишемик инсултнинг миокард инфаркти фонида кечиши эркакларга нисбатан аёлларда 1,5 баравар оғир кечиши кузатилди. Беморларнинг 69%ида инсултнинг кардиоэмболик тури аниқланди.

3. Нейровизуал ташхислаш кўрсаткичларига кўра, миокард инфаркти фонида кечадиган ишемик инсулт билан касалланган 43,1% беморларда жуда катта ўлчамли ишемик ўчоқлар ва 20,6% беморларда катта ўлчамли ўчоқлар аниқланди, миокард инфаркти йўқ беморларда бу кўрсаткичлар 32,5% ва 15% ни ташкил қилди.

4. Ишемик инсулт ва миокард инфаркти билан оғриган беморларда марказий ва мия гемодинамикасининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб: чап қоринча отилиш фракциясининг пасайиши (21,3%), ички уйқу артериялари орқали қон оқими тезлигининг камайиши бўлиб (32,3%), улар инсулт ривожланишида гемодинамик омил муҳим рол ўйнашини кўрсатиб берди. Кўп беморларда (65,2%) каротид ва умуртқа артерияларида патологик эгрилик борлиги, интима-медиа комплекси қалинлигининг ошиши (1,3 мдан кўп), миокард инфаркти фонида кечадиган ишемик инсулт ривожланишига олиб келувчи омил ҳисобланди.

5. Ишемик инсулт ва миокард инфаркти комбинацияси ривожланиш хавфи юқори бўлган беморларни клиник, биокимёвий ва инструментал текшириш натижалари асосида, ўткир юрак –қон томир патологияси бўлган беморларда инсулт ривожланишининг хавф прогностик коэффицентини ҳисоблаб, касалликнинг ўткир даврида беморларни олиб боришда қиёсий ёндошув алгоритми ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ШАДМАНОВА СИДИКА КУРБОНОВНА

**КЛИНИКО-ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ПРЕДИКТОРЫ РАЗВИТИЯ
ОСТРОГО ИШЕМИЧЕСКОГО ИНСУЛЬТА У БОЛЬНЫХ С ОСТРЫМ
ИНФАРКТОМ МИОКАРДА**

14.00.13 – Неврология

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам

Бухара– 2021

Тема доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №B2021.4.PhD/Tib.2198

Докторская диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и в информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Ходжиева Дилбар Таджиевна
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: Туруспекова Сауле Тлеубергеновна
доктор медицинских наук, профессор
(Республика Казахстан)

Джурабекова Азиза Тахировна
доктор медицинских наук, профессор


Ведущее учреждение: Ташкентская медицинская академия


Защита диссертации состоится «25» декабря 2021 года в 12:30 часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, ул. Навои, дом 1. Тел/факс: +99865 223 00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № 061). (Адрес: 200118, г. Бухара, ул. Навои, дом 1. Тел/факс: +99865 223 00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «14» декабря 2021 года
(реестр протокола рассылки № РА20 от «14» декабря 2021 года).




Г.А. Ихтиярова
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор


С.С. Пулатов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат медицинских наук, доцент


Г.А. Ихтиярова
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире острое нарушение мозгового кровообращения на фоне инфаркта миокарда является одним из самых сложных и тяжелых осложнений современной неврологической практики, а связанная с этим смертность пациентов является одним из важных факторов, которые необходимо изучать в современной неврологии. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) «... к 2030 г. прогнозируется рост смертности от инсульта во всем мире до 7,8 млн. человек в год, в случае если не будет предпринято активных глобальных мер по борьбе с этой эпидемией...»¹. Частота ОНМК при инфаркте миокарда (ИМ) колеблется от 1,3% до 12,8%, чаще это наблюдается в остром периоде заболевания, сам ишемический инсульт (ИИ) определенной локализации может явиться причиной развития сердечных осложнений.

Во всем мире в глобальном масштабе проводятся исследования по изучению факторов риска и клинико-функциональных особенностей сочетания ишемического инсульта с инфарктом миокарда с целью разработки алгоритма сравнительной диагностики и доклинического прогноза пациентов в острой фазе заболевания. В случае сочетания инфаркта миокарда и инсульта сложность диагностики часто связана с более выраженным проявлением мозговых симптомов, и в этом случае успех в предотвращении осложнений со стороны сердца и мозга зависит от своевременного и точного выявления факторов риска с использованием современных методов диагностики. Крайне важным является изучение предикторов развития сочетания инсульта и ИМ, что подчеркивает необходимость дальнейших исследований.

В нашей стране, за годы независимости, качественно улучшился уровень оказания медицинской помощи населению, осуществлены целенаправленные широкомасштабные меры для эффективного лечения заболеваний, внедрены современные технологии, позволившие получить ощутимые положительные результаты. В диагностике и лечении ишемического инсульта в сочетании с инфарктом миокарда, также выполнены широкоплановые программные мероприятия, в результате которых установлены диагностические критерии, которые важны для оценки прогноза заболевания. В настоящее время, согласно Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в «...2017-2021 годах, намечается дальнейшее улучшение оказания медицинской помощи населению страны, в том числе и при ишемических инсультах в пожилом возрасте...»².

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных в №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О

¹ WHO. World health statistics, 2013; WHO.Hearts: technical package for cardiovascular disease management in primary health care, 2018

² Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».[//www.lex.uz](http://www.lex.uz)

стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», №ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», № УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения республики Узбекистан», №УП-3925 от 30 августа 2018 года «О мерах по улучшению неврологической помощи населению», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики Узбекистан – VI «Медицина и фармакология».

